



2019 йил 30 декабрь

№ 51/244 -сон

Богдон шаҳарчаси

**2020 йил учун Фориш туманининг маҳаллий
бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимовчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлар кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) ва Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/589/4126-сон) 18-моддасига асосан, 2020 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 24-моддаларига кўра, Халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда - Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Фориш туманига (кейинги ўринларда - Туман деб аталади) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 36,6 млрд. сўмга 1,8 млрд. сўм миқдорда қўшиб берилиши инобатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 2019 йил 23 декабрдаги 300/50-сонли “2020 йил учун Жиззах вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилгиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар;

конун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари) вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳақтош мустасно.

3. Қонунга асосан туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Туман бюджетга ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 947,0 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги Захира жамғармалари маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар 438,0 млн.сўм миқдорда 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши инобатга олиниб, туман Кенгаши қарорига асосан ишлатилиши белгилансин.

12. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан таклифларини киритади.

13. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджетининг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтга уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

16. Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар Қонуннинг 24-моддасига асосан бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари туман Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

17. Туман ҳокими бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисида туман халқ депутатлари Кенгашига ахборот киритиб боришни таъминласин.

18. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Ушбу қарор “Фориш тонги” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг forish.jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

21. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман Кенгаши раиси,
туман ҳокими



А. Мустанов



Халк депутатлари
Фориш тумани Кенгашининг
2019 йил «30» декабр даги
51/244-сонли қарорига
1-илова

**Фориш туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиктисодий кўрсаткичлари
прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари**

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	3%
2.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10%
3.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	2,5%
4.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,5%
5.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	7,5%



Халқ депутатлари
Фориш туман Кенгашининг
2019 йил «30» декабр даги
342/1-сонли қарорига
2-илова

**Фориш туман маҳаллий бюджетининг даромадларининг
2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		27 530 240,0
I.	Тўлиғича туман (шаҳар) бюджетларида қолдириладиган солиқ турлари	3 713 001
1	Жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиғи	1 794 697
2	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	483 000
3	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	445 336,0
4	Норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойданилганлик учун солиқ	661 197,0
5	Тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқ	328 771,0
II.	Вилоят ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларида тартибга солинадиган солиқ турлари	16 467 239
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 045 010,0
2	Юридик шахсларнинг фойда солиғи	3 929 641,0
3	Акциз солиғи (бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли)	1 050 000,0
4	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	315 880,0
5	Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	2 757 289,0
6	Юридик шахслардан ер солиғи	944 000,0
7	Маҳаллий йиғимлар	425 419,0
III.	Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромад (акциз солиғи)	7 350 000
	<i>Аҳоли сони-01.07.2019 й ҳолатига (минг киши)</i>	92
1	Ароқдан акциз солиғи (ш.ж. пиво)	4 718 295,0
2	Мобил алоқа хизматидан акциз солиғи	2 631 705,0



Халқ депутатлари
Фориш тумани Кенгашининг
2019 йил 20 декабр дақи
51244-сонли қарорига
3-илова

2020 йилги Жиззах вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Фориш тумани
	Харажатлар миқдори, Жами	64 082 054,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	64 082 054,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	0,0
1.	Мақтабгача таълим бошқармаси	3 100 943,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 100 943,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	Халқ таълими бошқармаси	5 565 549,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 565 549,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	Соғлиқни сақлаш бошқармаси	24 972 862,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	24 972 862,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	Маданият бошқармаси	1 043 547,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 043 547,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси	339 750,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	339 750,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	Ободонлаштириш бошқармаси	4 935 988,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 935 988,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси	0,0

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	Қишлоқ хўжалиги бошқармаси	386 690,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	386 690,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши харажатлари	294 494,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	294 494,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	Агрокимёхимоя ҳудудий акциядорлик жамияти	0,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	336 977,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	336 977,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	Транспорт департаменти	0,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	Автомобил йўллар бошқармаси	0,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	шу жумладан:	
	Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси	0,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	Молия бош бошқармаси	3 593 315,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 593 315,0
	шу жумладан:	
	иш ҳақининг ошиши муносабати билан индексация маблағлари	2 606 662,0
	Фуқароларга етказилган зарари қоплаш	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
18.	Ғазначилик бошқармаси	0,0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

19.	Пенсия жамгармаси	401 117,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	401 117,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
20.	Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	Туризмни ривожлантириш департаменти	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	Ўрмон хўжалик бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	Ветеринария бошқармаси чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси	847 319,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	847 319,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	Монополияга қарши курашиш бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	Бандлик бош бошқармаси	486 731,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	486 731,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	Қурилиш бош бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	Инвестициялар бош бошқармаси	0,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

[illegible]

Халк депутатлари
Фориш тумани Кенгашининг
2019 йил «18» декабр даги
51/244 -сонли қарорига
5-илова

**Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг
чегаравий ҳажми**

минг сўмда

Худуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	27 530 240,0	64 082 054,0
Фориш тумани	27 530 240,0	64 082 054,0

Халк депутатлари
Фориш тумани Кенгашининг
2019 йил «30» декабр даги
51/246 -сонли қарорига
6-илова

**Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган
тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари**

минг сўмда

Туман номи	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	36 551 814,0
<i>шундан</i>	
Фориш тумани	36 551 814,0



Халқ депутатлари
Фориш тумани Кенгашининг
2019 йил «7-декабр» даги
54/24-сонли қарорига
7-илова

Туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	438 000,0
	<i>шундан</i>	
1	Фориш тумани	438 000,0